

ХУҚУҚБУЗАРЛИКДАН ЖАБРЛАНГАН ШАХСЛАРНИ ИЖТИМОЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ИЖТИМОЙ МОСЛАШТИРИШ ТУШУНЧАСИ

*ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ КАФЕДРАСИ
СУВОНОВ СУХРОББЕК ЭРГАШ ЎҒЛИ*

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Хуқуқбузарликлар профилактикаси йўналиши бўйича таълим олаётган 310-гуруҳ курсанти

АННОТАЦИЯ:

Битирув малакавий ишида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, предмети, объекти, вазифалари, профилактика инспекторларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиги тушунчаси, бугунги кунда бандлик органларининг хуқуқбузарликлар профилактикасидаги ролининг аҳамияти, ушбу ҳамкорликнинг хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишдаги аҳамияти, ҳозирги ҳолат, шунингдек ушбу ҳамкорлик доирасидаги қатор муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф етиш бўйича бир қатор таклифлар ишлаб чиқилган.

Шартли қисқартмалар:

- ИИО**-ички ишлар органлари;
- ТП** – Таянч пункти;
- МЖТК** – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс;
- ЖК** – Жиноят кодекси;
- ЖИК** – Жиноий ижроия кодекси;
- ХМҚО** – Хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар;
- ЖТС**-жамоат тартибини сақлаш;
- ИИВ**-ички ишлар вазирлиги;
- ИИБ**-ички ишлар бошқармаси.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг дастлабки навбатда хавфсизлик ва тинчликни сақлаш, халқ осойишталигини таъминлаш асосий устувор вазифа ҳисобланиб келмоқда. Республикада истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб фуқароларни жиноятчилик, унинг энг қабиҳ ва хавфли тури бўлган уюшган шакллари, диний экстремизм, терроризм, одам савдоси каби офатлар тажовузидан ҳимоя қилиш барча хуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, шу жумладан, ички ишлар органларининг энг долзарб ва мураккаб вазифаларидан бири бўлиб келмоқда.

Ўтган давр ичида ички ишлар органларини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гаровига айлантиришни кўзлаб амалга оширилган ислохотлар ички ишлар органларининг мамлакат ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлашга қаратилган фаолиятини такомиллаштиришда катта аҳамият касб этмоқда. Айниқса, бугунги кунда бевосита аҳоли турар жойлари, маҳалла, қишлоқ ва овулларда давлатимиз хавфсизлигига таҳдид солаётган турли кўринишдаги тажовузларнинг олдини олиш, кўмаклашувчи сабаб ва шароитларни бартараф этиш орқали уларга қарши курашишда, фуқороларимизнинг ҳуқуқбузарлик ва жиноятлардан жабрланувчи булиб қолишининг олдини олишда ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ва давом этаётган ислохотлар натижасида вужудга келган профилактика тизимининг фаолияти аҳамиятга моликдир.

Ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган ҳамда давом этаётган ислохотлар натижасида профилактика хизматларининг фаолиятини белгилаш ва тартибга солиш мақсадида қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда профилактика хизматлари, шу жумладан ИИО таянч пунктлари ва профилактика (катта) инспекторларининг фаолиятини замон талаблари асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Ички ишлар идоралари профилактика хизматларининг фаолиятини режалаштириш муҳим масалалардан бири эканлиги аниқ белгиланиб, бу борада бир қатор талаблар ўрнатилган.

Ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослаштириш фаолияти тушунчасига тўхталишдан олдин ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчи тушунчасини ёритиб ўтишни жоиз деб билдим.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган бўлиб, ушбу қонун 7 та боб ва 51 моддадан иборат, қонуннинг 3-моддаси “Асосий тушунчалар” деб номланиб унда ҳуқуқбузарлик, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи тушунчаларига таъриф берилган.

Унга кўра ҳуқуқбузарлик – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли, ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик).

ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи – жисмоний, маънавий ёки мулкий зарар етказилганлиги оқибатида ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахс. ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш — ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги

ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган ҳуққ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чоратадбирлар мажмуи .

Реабилитация ва мослаштириш тушунчасини биз ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш таълимоти орқали ўрганамиз. Реабилитация лотин тилидан “rehabilitation” тиклаш; ҳуққбузар ва жабрланганларни ҳимоя қилиш тўғрисида таълимот ҳисобланади. ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш алоҳида, мустақил йўналишда бўлган, яъни ҳуққбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни ўрганувчи таълимот сифатида ўрганилади. Чунки бу таълимот асосан ҳуққбузарликдан жабрланганлар ва жазонт ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни ўрганувчи ва уларга психологик, биологик, педагогик, ижтимоий хусусиятлари, муносабатлари, жиноят содир этилишидан олдин ва ундан кейинги жараёнда тутган ўрнини ўрганиб чиқади ва илмий жихатдан асосланган ҳулосаларни ишлаб чиқиб, жиноятларни профилактика қилиш фаолиятида кенг қўламда қўлланилиши учун тадбиқ этилади. Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш нафақат ҳуққбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни ўрганади, балки, бахтсиз ходиса, табиий офат, уруш, геноцид ва бошқа ҳолатлар оқибатида юзага келган жабрланишларни ўз ичига олади¹⁰.

Жиноятлардан одам ўлдирган жиноятчининг оила аъзолари жабрланиши, масалан, жиний қилмишни тўхтатишда иштирок этиш вақтида ёки жиноят жараёнида ҳуққни муҳофаза қилиш органларига қўмаклашиш чоғида уларга муайян зарар етказилиши мумкин.

Боз устига, баъзан жиноятчининг ўзи жабрланиши мумкин (масалан, оммавий тартибсизликларда, бир гуруҳ шахс бўлиб безорилик қилишда, мушталашувларда). Шу сабабли кимни амалда ва муайян тарзда жиноятдан жабрланувчи деб ҳисоблаш мумкин, деган савол криминализация ва декриминализация жараёни, жиний тажовуз объектининг чегараларини белгилаш билан боғлиқ .

Жиноят содир этишнинг сабаблар занжирида ҳуққбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни жиддий роль ўйнайди, деган ғоя янги эмас, у кўп сонли адабий манбаларда ва ҳуққ ижодкорлиги ёдгорликларида ўз аксини топган. Лекин унинг муайян даражада ифодали талқинига XVIII аср мутафаккирларининг асарларида дуч келиш мумкин.

Ҳуққ фанининг мумтоз даври намоёндаларидан бири Иеремия Бентам (1748-1832) кримнологияга ҳуққбузарликдан жабрланганлар ва жазонт ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни реабилитация қилиш ва

мослаштиришни назарда тутувчи нормаларни киритишни таклиф қилган. Бу ҳуқуқбузарликдан жабрланганлар ва жазонт ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларни янада тезроқ ҳаётга қайтариш имконини беради, деб ҳисоблаган. Ижобий ҳуқуқ йўналишининг вакили Раффаэль Гарофало (1852-1934) ҳам жабрланувчиларва ҳуқуқбузарни реабилитация қилиш ва мослаштириш орқали ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш воситаси сифатида қараган (туринлик бу судья «криминология» атамасини биринчи бўлиб илмий муомалага киритган)12.

Немис криминологи Сара Маржора Фрай (1894-1958) тадқиқотларининг диққат марказида жиноятчини ундан жабрланган шахс билан яраштириш, яъни жамиятда тартиб ва тотувликни барқарор этиш муаммолари турган. ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш муаммоси ва жиноятларнинг олдини олишда унинг аҳамияти масалалари Шарқ, Ўрта Осиё ва айниқса, Ўзбекистон халқларининг тарихий ҳуқуқий ёдгорликларида ва феодал тузуми суд органларининг қарорларида муҳим ўрин эгаллайди.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш асосий эътибор қаратилиши лозим бўлган чоралардан эканлиги белгилаб берилди. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасида “ишонтириш усулининг устуворлиги” махсус принцип сифатида ушбу йўналишдаги ишларни ташкил этиш жараёнида қатъий амал қилинишини талаб этади. Айнан, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоралари эса мазкур принципни амалга татбиқ этилишини ва устуворлигини таъминлайди.

Шуни алоҳида такидлаб ўтиш жоизки, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоралари ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси чора-тадбирларидан бири ҳисобланади. Демак, бу чоратадбир йўналитирилган асосий объект ғайриижтимоий ҳулқ атворли, ҳуқуқбузарликка мойил ёки ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахс ҳисобланади.

“Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш” жумласининг ўзи ҳам бир нечта сўзлар бирикмасидан ташкил топган бўлиб кенг маънода комплекс тадбирлар ва вазифаларни ўз ичига қамраб олади.

“Ижтимоий” – сўзи эса аҳолининг барча қатламларига тааллуқли масалалар ҳисобланади. “Ижтимоий” сўзи билан боғлиқ жуда кўплаб тушунчаларни мисол келтириб ўтиш мумкин, юридик энциклопедияларда, “ижтимоий тенглик – ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, инсоннинг инсон билан тенг ҳуқуқлилиги”, “ижтимоий ҳолат – фуқаронинг ўз келиб чиқиши, жинси, мулкый ҳолати ва мансаб мавқеига кўра муайян ижтимоий табақага мансублиги”, “ижтимоий тузилиш – ҳокимият ва давлатнинг моҳияти, унинг сиёсий ва

иқтисодий негизлари, хўжалик ҳаётининг хусусияти ҳамда шахснинг давлатдаги мавқеи асослари”, “ижтимоий таъминот – давлатнинг, фуқароларнинг ижтимоий кам таъминланган қатламларни уларнинг асосий моддий эҳтиёжларини қондириш, уларга нафақа ва бошқа кўринишдаги моддий ёрдам кўрсатиш учун олиб борадиган махсус фаолиятидир” деган тушунчалари берилган.

Реабилитация - сўзи эса турли соҳаларда ҳар хил талқин қилинади, масалан, тиббиёт соҳасида реабилитация касални тузатиш ёки аввалги ҳолатига қайтариш деган тушунчани беради. Юридик соҳада реабилитация – юридик тушунча бўлиб, ноқонуний равишда жиноий жавобгарликка тортилган ёки мулкий ҳамда бошқа қонуний манфаатлари чекланган шахснинг оқланиши ва унга келтирилган моддий ва маънавий зарарнинг қопланишини кўзда тутди¹⁵.

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонунида ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш – “ҳуқуқбузарликдан жабрланганга, ғайриижтимоий хулқатворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатишга, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи”¹⁶,- деб тушунчаси бериб ўтилган.

Демак, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоралари ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ёки ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларни руҳий жиҳатдан ҳаётга мослаштириш, бу жараёнда уларга турли ижтимоий-иқтисодий ёрдамлар кўрсатишга йўналтирилган тадбирлар ташкил этиш орқали амалга оширилади ва алоҳида тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқбузарликлар содир этишини ёхуд

ҳуқуқбузарликлардан жабрланишини олдини олишга қаратилади.

Эътибор қаратсак, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш инсонга нисбатан меҳр кўрсатиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришида яқиндан ёрдам беришдан иборат тадбирларни ўз ичига олади. Бу эса, ҳар қандай шахсни жамиятга бўлган ишончини оширади, унда келажагига ишонч пайдо бўлади.

Ҳозирда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади ҳам аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашдир. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш энг аввало улар учун қулай ва муносиб турмуш шароитини таъминлаб бериш, бозор муносабатларига ўтиш даврида объектив равишда мавжуд бўладиган турли қийинчилик ҳамда кутилмаган иқтисодий, ижтимоий хатарлардан муҳофаза қилинишини аниқлатади.

“Ўзаро ижтимоий ёрдам, ижтимоий ҳимоя Ўзбекистон шароитида янгилик бўлмасдан, минг йиллар давомида шаклланган ҳамда давом этиб келаётган миллий-тарихий қадриятларимизнинг ажралмас қисмидан иборат”¹⁷.

Қадимдан Ўрта Осиё халқларида “Катталарга ҳурмат - кичикларга иззат кўрсатиш” инсоннинг муҳим фазилатларидан бири ҳисобланган. Бу фазилатларни бир сўз билан ифодалаб бўлмайди, балки бунда шахсларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш тушунилади.

Шу боисдан, ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чораларини қўллашда уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, хусусан, уларнинг руҳиятини кўтариш, жамиятда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш, устувор вазифалардан

Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоралари ҳуқуқбузарликдан жабрланганларга, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга уларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб турлича усулларда қўлланилилади.

Ҳуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларга нисбатан соғлиғини тиклашда тиббий, руҳиятини кўтаришда психологик ёрдам кўрсатиш орқали қайта тиклаш, маънавий ёки мулкий зарарни ундириб бериш, руҳий тушкунликдан қутулишга ёрдам кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан эса, уларни ўқишга ёки ишга жойлаштириш, доимий ёки вақтинчалик уй-жой билан таъминлаш, моддий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда ўз ифодасини топади.

Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоралари махсус муассасаларда ёки ижтимоий турмуш жараёнида (оилада, маҳаллада) амалга оширилиши мумкин. Хусусан, Республикамизда “Одам савдосидан жабрланган шахсларни реабилитация қилиш Маркази”, “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Марказлари”, “Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш Марказлари”, “Ҳокимликлар ҳузуридаги ижтимоий мослашув Марказлари” фаолияти йўлга қўйилган.

Ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоралари ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларни, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган ва ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни нормал турмуш тарзига қайтариш мақсадида амалга оширилади.

Адабиётларда реабилитация қилиш ва мослаштириш тушунчасига кўп мартаба тўхталиб ўтилган ва олимлар бу тушунчани турлича талқин қилишади. Хусусан, Л.В.Франк фикрига кўра, реабилитация бу муайян шахснинг ўз ижтимоий роли, жисмоний ва маънавий фазилатлари ва хислатларига кўра

муайян ҳолатларда «қайта тиклаш», яъни ижтимоий, педагогик, тиббий тикланиш қобилиятидир.

Юқорида келтирилган манбалардан кўриниб турибдики, «реабилитация» тушунчасига таъриф беришда ҳуқуқбузарликдан жабрланганлар ва жазони ижро этиш муассасасидан озод қилинган шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳал қилувчи ва бирдан-бир мезон бўлиб хизмат қилган. Бундан ташқари, одамнинг ҳолати «қобилият» сифатида нотўғри тавсифланган .

Ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чоралари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, шахсни маъмурий ёки жиноий жазоларга тортиш, унга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаш орқали эмас балки у билан яқиндан ҳамкорлик қилиш орқали ҳуқуқбузарлик профилактикаси амалга оширилади ва бу усуллар бугунги замонда энг мақбул ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов.И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.– Т.,«Ўзбекистон», 2017.–48 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги – инсон мафаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир. – Халқ сўзи. – Т., 2017. 8 янв
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қаттиқ тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак / Ш.М.Мирзиёев; – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак Халқ сўзи. – Т., 2017. 10 фев.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.
8. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017. – 23 дек.
9. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганинг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги // Халқ сўзи.–2018.–13 янв.
10. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан байрам табриги // Халқ сўзи.–2020.–8 дек.